Жорий йилнинг 9 ойлигида Навоий шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

Ҳисобот даврида асосий иқтисодий соҳаларда ҳам ижобий динамика кузатилиб, саноат маҳсулотлари ҳажми **6,5 фоизга** (**206,9 трлн** сўм), қишлоқ хўжалиги **10,1 фоизга** (**109,5 млрд** сўм), асосий капиталга инвестициялар ҳажми **23,6 фоизга** (**60,0 трлн** сўм), хизматлар ҳажми **15,9 фоизга** (**6,3 трлн** сўм) ва қурилиш ишлари ҳажми эса **13,5 фоизга** (**2,4 трлн** сўм) ошди.

2026 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида шаҳарда **206,9 трлн** сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати **6,5 фоизни** ташкил этди.

Ҳисобот даврида **машинасозлик** (117%), **тоғ кон саноати** (113,9%), **мебель саноати** (112,1%) ва кимё (104,8%) саноати тармоқларида **юқори ўсиш суръатлари** кузатилди.